



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 22 январь,
№8 (975)

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Фарзандларнинг соғломлиги юртининг бахти, қудратидир

Жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умуммиллий аҳамиятта молик масала ҳисобланиб, у юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг эзгу мақсадига айланган.



■ Фахриддин СОЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантириш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунинчи, илк давлат мукофотларидан бири сифатида «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилишида ҳам раъсий маъно мужассам.

Шу йўналишларда қабул қилинган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти ва уларда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳаёти изчил татбиқ этилиши натижасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланиб, юртимизда ҳар

томонлама соғлом ҳамда баркамол авлоднинг камол топиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ушбу хайрли мақсадларнинг мантйқий давоми сифатида Соғлом бола йилида ҳам бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилади. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади, албатта.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйламанки, ортиқча гапиришни ҳожаги йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолида албатта чўқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оксоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва оқойишлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянашимиз», дея алоҳида таъкидлади.

> [2]

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Тараққиётнинг пойдевори мустаҳкам, истиқболли нурафшон

Обод юрда эл фаровон яшайди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг тобора гўзаллашаётган таровати бутун юртдошларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, ҳаётго, дунёқарашини ҳам тубдан ўзгарттирди.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Бугун мамлакатимиз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўлининг нақадар ҳаққонийлигини намоян эътибор. Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эзгу мақсадларга эришишни кўзлаб, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этиш сари дадил қадам кўймоқда.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жаҳонда умумий эътироф этилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» ва у тақдим этаётган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар яна бир бор сарҳисоб этилди. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодийётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида қайд этилди.

«2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли ушбу маърузада сўнгги 3

йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 боробар ошгани, фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалиётга жорий этилгани, бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 боробар кўпайиб, импорт ўрнини босиш бўйича яқиний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани эътироф этилди. Ушбу рақамлар республикамизнинг иқтисодий қудрати, нури истиқболдан дарак беришини бугун ҳар бир юртдошимиз юракдан ҳис этаёттир. Шуниси қувонарлики, бундай юксак самаралар худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг қанот ёзаётгани, ишлармонлар сафи кенгайиб, фуқаролар онли тарзда ислохотлар ривожига ҳисса қўшаётгани билан бевосита боғлиқдир.

> [2]

ЙИГИНЛАР ҲАЁТИДАН

Маслаҳат маркази — тадбиркорнинг таянчи

Пойтахтимиздаги Миробод тумани «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Маслаҳат маркази» худудда тадбиркорликнинг кенг қанот ёзишига туртки бермоқда.

■ Салоҳат МАХСУМОВА.

Марказ фаолияти йўлга қўйилганидан буён маҳаллада янги тадбиркорлик субъектлари сони ортди. Қувонарлики, Марказ кўмагида муваффақият қозonganлар орасида оддий уй бекалари — хотин-қизлар ҳам бор. Тадбиркор Нарғиза Алиеванинг гўзаллик салони ташкил этиши айнан марказ билан боғлиқ.

Айни пайтда йиғин фаоллари, хусусан, «Маслаҳат маркази» ходимлари кўмаги суняман,— дейди «Нарғиза» гўзаллик салони раҳбари Н.Алиева. — Иш бошлаш учун керакли ҳужжатлар тайёрлашда фаоллар яқиндан ёрдамлашди. Қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқшимизда марказ ходимлари томонидан ташкил этилган қисқа муддатли курсларнинг ҳиссаси катта бўлди. Маҳалламиз аёлларига қулайлик ва янги иш ўринлари яратиш мақсадига фаолиятимни янада кенгайтирмоқчиман.

Ҳозирда гўзаллик салонида 15 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

«Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Маслаҳат маркази» дастурида эса аҳолига, айниқса, аёлларга қулайлик яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш кенг ўрин олган.



■ ЎЗА сурати.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Мақсад бир, гоя бир, Ватан ягона

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳат яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

■ Нигина ШОЕВА «Mahalla»

Қирқдан зиёд миллий маданият марказларининг самарали фаолияти, юртимизда ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик, бағрикенглик тамойилларига оид ташаббуслар кўллаб-қувватланмоқда.

Ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, миллатлараро муносабатларни янада тақомиллаштиришга алоҳида аҳамият

берилаёттир. Айниқса, ёшлар онгида миллатлараро тотувлики мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи, меҳроқибат, бағрикенглик тамойилларини шакллантириш ва юксалтиришда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотларнинг ҳаётго татбиқ этилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари асосий кўмакчи бўлмоқда. Буни Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги кўпмиллатли «Дўстлик» маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

> [3]

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Ҳамжиҳатлик бор жойда иш унумли бўлади



■ ЎЗА сурати.

Кўқон шаҳридаги «Марғилон дарвозаси» маҳалла фуқаролар йиғини худудий яхлитлиги, аҳоли сони, тадбиркорлик ва ишибилармонликнинг кенг ривожлангани билан ажралиб туради.

■ Расул Камол «Mahalla»

Истиқлол йилларида худудда санонат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи ошди, ҳажми кўпайди. Қолаверса, хунармончиликнинг тивувчилик, темирчилик, бешиқозлик йўналишлари, шунингдек, иссиқхоналар ташкил этиш,

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш фаолияти кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида Алишер Навоий кўчаси бўйлаб 50 дан ортиқ шохобча ҳамда савдо дўконларининг ишга туширилиши маҳалла аҳли учун кўпгина қулайликлар яратди.

— Худудимизда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган ишибилармонлар кўпчиликини ташкил этади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раи-

> [3]

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ — ЭЪТИБОРДА

Кўмак тадбиркорлик ривожига қаратилган

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тушаётган муурожаатлар сонининг ошиб бораётгани уларга бўлган ишончининг ортаётганидан далолат.

■ Мунаввар АЛЛАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими мутахассиси.

Ўтган 2013 йилда биргина Фонд вилоят бўлимида жами 274 нафар фуқаронинг ёзма ва оғзаки муурожаатлари қайд этилгани фикримиз далилидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдирининг орзу-умиди мужассам. Фуқаронинг бир истиҳоло ва ўйловдан ўтиб

ташкilot эшигини қокдим, демак унинг жиддий муаммоси бор. Шу боис ҳар бир муурожаатни ўз вақтида, кечиктирмасдан ҳал этиш бурчимиздир.

Масалан, Гиждувон тумани «Жогари» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2-гурӯх ногирони Зиёда Иброҳимова мураккаб жарроҳлик операцияси учун моддий кўмак сўраб муурожаат қилди. Ўрганиш давомида унинг ҳақиқатан ҳам кам таъминланган оила аъзоси экани, қармоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги аниқланди. Фуқаронинг Фонднинг вилоят бўлими томо-

ниқох тўйини ўтказиш учун 1 миллион сўм Фонд маблағи йўналтирилди.

Яқунланган йил давомида Фонддан моддий ёрдам сўраб муурожаат қилганлар сони 63 нафарни ташкил этади. Уларнинг 54 нафари Фонднинг вилоят бўлими томонидан 29 млн. 860 минг сўм моддий ёрдам билан таъминланди. Шундан 15 нафар нағиронга 8 млн. 150 минг сўм, 6 нафар олий ўқув юрти талабасига 4 млн. 750 минг сўм, 22 нафар кам таъминланган оила фарзандига 9 млн. 300 минг сўм, 6 нафар табиий офатдан жабрланган шахсга 2 млн. 800 минг сўм ҳамда 11 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожларга 9 млн. 610 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарвоқе, фуқаролар муурожаатларини таҳлил этсак, кейинги йил-

ларда аҳоли турмуш даражаси, сифати тобора ошиб бораётганини кузатамиз. Илгари аксарият аризалар моддий кўмак сўраб ёзилгани ҳолда бугун фуқаролар томонидан асосан тадбиркорлик учун ер ажратиш, ўз бизнесини бошлаш учун банкдан кредит олишга кўмаклашиш ва бошқа ийрик мақсадларни кўзлаб битилган илтимослар тушмоқда. Ушбу мазмундаги аризаларни ваколатли идораларга юбориб, улар ижросини жамоатчилик назоратига олашимиз. Натижада ўтган йили муурожаат қилган 28 нафар коллеж битирувчиси банкнинг имтиёзли кредити эвазига ўз бизнесини бошлади. Саккиз нафар тадбиркор, йилгирма уч нафар фуқарога корхона ва уй қуриш учун ер ажратилишига кўмаклашилди.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.



ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ахборотни бошқара билиш — маҳорат



Бугун ахборот асрида яшаймиз. Шундай экан, инсон ўзига зарур маълумотни топа билиши ва таҳлил қила олиши лозим.

Одина ҚУЛМУРОДОВА, талаба.

катта ҳукмронлик, ахборотни бошқара билиш бу мутлақ ҳукмронликдир.

Шу маънода, муҳим ахборотга эгалик бу ҳоқимият, керакли ва кераксиз инфор- мацияни фарқлай билиш ундон-да

эгаллик — дунёга эгаллик деган ақида янада жаранглироқ янграмоқда.

Реклампаларнинг тақриричилиги уни онга сингишини тезлаштириди.

Норвал саробдор яратиб инсон онга бошқарилди. Бу ҳаракат унинг руҳиятини мукамал билиш, уни бе- восита ва билвосита фикрлари, мақсади, дунёқарашини ўзгартириш

орқали амалга оширилади. Тодқи- қотчи Кара Мирзонинг айтишича, тил, ҳиссий жавоб, шов-шув, матнда- ги такрор ва умумлашмалар, сўзги формулаларда яширин манипуляция- нинг содда кўриниши учраб экан.

Оксфорд университети луғатида манипулятор атамасига устамонлик, эпчиллик билан иш юритувчи, деб таъриф берилди.

ниши, дея талқин қилди.

Хар биримиз атрофимиздаги- ларнинг қарашлари, мулоҳазалари- ни баъзан тасдиқлаб, гоҳида инкор этамиз.

Шундай экан, бугун биз ёшларимиз қайси ахборот билан қизи- қаётганларини, Интернетда қилар билан «дуст» бўлаётганларини на- зорат қилишимиз керак.



Хужум қурбони — ҳарбийлар

Покистоннинг Банну шаҳри шимоли-гарбида портлаган бомба оқибатида 20 нафар ҳарбий ҳалок бўлди, 30 нафардан зиёд кишига жароҳат етди.



«France-Press»га кўра, портлаган ҳарбий машина- лар колоннаси яқинида рўй берган.

Мамлакатнинг шимоли- гарбий қисми расмий ҳуку- мат назорати суғ бўлгани ҳолда «Толибон» ва «Ал- Қоид» гуруҳлари фаол ма- кега эга худуд саналади.

Ўлимга ҳукм қилинди

Вьетнамда суд 30 кишини героин контрабандаси билан шу- гулланганликда айбдор деб топиб, ўлим жазосига ҳукм қилди.

«Associated Press»га кўра, суд 21 нафар эркак ва 9 нафар оёл икки тонна гиёҳ- ванд моддани Хитойга ўтқа- зиш мақсадида Лаосдан Вьетнамга ташишда ишти- рок этганини аниқлади.

Бирварақайга бир неча кишининг ўлим жазосига ҳукм қилингани ҳамда бирийла жуда катта миқдордаги ге- роин иши кўрилгани билан ҳам мамлакат тарихида ре- корд натижани қайд этган.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Талабгорлар бирталай

Мамлакатимизда кейинги йилларда бо- лалар спортини ривожлантиришга жуда кат- та эътибор қаратилмоқда.

Эрпўлат БАХТ. Хоразм вилояти.

Айниқса, қизлар ўртасида бадий гимнастикага қизиқувчилор кўпаймоқда.

Бир пайлар ҳўжалик клуби бўлган бино ҳомийлар кўмагида қайта реконструкция қили- ниб, болалар спорти ва соғломлаштириш мак- табига асос солинди.

Кувонарлиси шундаки, Пичоқчи болалар спорт ва соғломлаштириш мактабига қўшни туман ва қишлоқлардан ҳам ёшлар қатнайд.

СПОРТЧИ РАИС

Орзулари фарзандлари камолида мужассам

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез маш- хур қила олмайди. Ушбу фикрнинг нечоғли ҳақиқат экан- лигини ўтган йигирма икки йил давомида юртимиз спорт- чилари халқаро майдонларда қўлга киритган муваффа- қиятлари билан амалда исботладилар.



Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Уларнинг бу ютуқларида маҳалла фуқаролар йи- гинлари ва фаолларининг ҳам муносиб хиссаси бор, албатта.

Тайлоқ туманидаги «Гадой- қушчи» маҳалла фуқаролар йи- гини раиси Жамшид Бақоевни ҳамма «спортчи раис» деб атайди.

ча меҳр қўйган Ж.Бақоев сам- бо-кўраш билан шуғулланиб, бир қанча мусобақаларда ғалиб- ликни қўлга киритди.

молида ва маҳалладошлари ютуқларида кўраётёр.

Тўнчи фарзанди Фаррух ку- раш бўйича Ўзбекистон чемпи- они. Иккинчи ўғли Фирдавс эса тазқондо ва қўл жанги бўйича 11 қарра Ўзбекистон, ўсириллар ўртасида Осиё чемпиони бўлиб, спорт усталигига эришди.

Маҳалла ҳудудидаги 4- умумтаълим мактабида ташкил этилган ўндан ортиқ спорт тўғралакларига юздан зиёд ёшлар қатнайд. Ҳозирги кун- га ҳудуддан чиққан чемпион- лар сони саккиз нафарга етди.

Ўтади. Спорт эртанги кун эга- ларининг соғлом ва маънан етуқ бўлиб улғайишида энг зорур омилдир. Буни оилаларга ҳам тушултиришдан чарчамайди.

Бир сўз билан айтганда, Ж.Бақоевнинг бу йилги режа- лари улкан. Маҳалла ҳудудида маҳалладошлари кўмаги билан спорт майдончаси барпо этиш- ни дилига туккан.

Шунингдек, Тайлоқ тумани- даги 21 спорт иншоотида 11047 нафар ёш ўндан ортиқ спорт турлари билан мунтазам шуғулланимоқда.

ГУЗАРДАГИ ГУРҲНЛАР

Оқибатдан кўкаради яхшилик боғи

Мезон офтобиди олтин тусга қириб товланган бир бош узумни ишқомдан ўз қўлингиз билан узиб ейиш завқини ҳеч тўйган- мисиз? Бамисоли шода марвариддек шокила-шокила осилиб турган гуж-гуж доналарни авайлаб ажратиб, бир-бир қарсил- латиб — сувини тиш орасидан ўтқазиб, таъмини ҳис қила- қила ютиш лаззатиниг қиёси йўқ, шундай эмасми?!

Н.АСЛОН.

Мухаммад Зоҳир бурноқи ку- зақда жонини жабборга топширгач, боғи ҳувиллаб қолди.

вон остидаги соғин сизилар сони ҳам озайди. Бир сўз билан айтган- да, хонадондан барақа кўтарилди.

Чол донишманд эди. Гапирган- да ҳам китобий, рамзлар восита- сида гапирини қўймасди. Уни ма- шқатқили ҳаётнинг ўзи мулоҳаза- кор қилиб қўйганди.

— Бу йил узумнинг чўи қандай? — сўради Музробдан маърақалар- дан бирида кўр тўкиб ўтирган қишлоқ оқсоқоли Убай Бозор.

— Хафа бўлмангу ука, боғин- гизнинг бароқаси Мухаммад Зо- хир бобо билан бирга кетди, — сўхбатта қўшилди чўқи соқолини

тутамлаганча Наим Қоюм. Гарчи дангал гапни айтиб, унинг кўнглини хира қилган бўлса- да, мўйсифдиннинг сўзлари ҳақ эди.

— Хар қимнинг бароқаси ўзи билан, бу бор гап, — деди ҳозир- гина чойи ичиб бўлинган пилёни дастурхон че- тига оҳиста тўнқараркан Қарши бобо.

Музроб муаллим устидан бир челек сув қўйилгандек, озёси ба- дани жунжукди. У бобонинг гапи- дан хўшёр тортиди. Қишлоқнинг

файзли кексаларидан бўлган бу полвонкелбат кишига унчо-мунчо одам юрак ютиб эътироз билди- ргани ботинолмасди.

— Раҳматли Мухаммад Зоҳир топганини яқинлари билан баҳам гина чойи ичиб бўлинган пилёни дастурхон че- тига оҳиста тўнқараркан Қарши бобо.

Бобонинг таъна тошлари муал- лимнинг юрагини зирқиратиб юборди. У ногоҳон отасининг са- хийликларини эслади. Ҳосил ййи-

Оч йўлбарс панжасида

Етти киши Ҳиндистон миллий ҳайвонот боғидан қочган йўлбарсга ем бўлди.

Ийртқичинг сўнги қурба- ни мамлакат шимолидаги Ут- тар-Продеш штатидан от- пилди. Ҳукумат яқин атроф- даги қишлоқлар аҳолисидан ўрмонда ёлғиз юрмасликни, иложи борича уйдан чиқмас- ликни сўрамоқда.

яширинган, дея гумон қи- ланётган тумандаги ўнлаб мактаблар ёпиб қўйилди.

Интернет материаллари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Ер юзиди тахминан 5621 та тил ва шева бўлиб, ҳозир- гача уллардан 500 тасигина ўрганилган, ҳолоқ. Хар уч тилдан биттаси ёзувсиз, фақат оғзаси нутқ шаклига эгадир.

Жаҳондаги 1400 та тил- нинг йўқлиб кетиши хавфи бор. Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаси ва ёзма жи- хатдан мукамил шаклланган, дея ҳисобланади.

Ҳимолойда 160 хил тил бор. Африқанинг Нигер дарё- си ҳавзасида 280 та тил мавжуд бўлса, Янги Гвинея- даги Папуа давлати бу бо- рада мутлақ «чемпион». У ерда жами 3 миллион аҳоли 1010 хилдаги тил ва шева- да сўзлашади.



ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

Тараққиётнинг пойдевори мустаҳкам, истиқболи нурафшон



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Шу боис Президентимиз: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тора мустаҳкамлашиб бораётганининг ўзи иқтисодий таркибда бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди», дея таъкидладилар. Бу корхоналар нафақат шаҳарларда, балки оиласи қишлоқларда, энг чекка овулларда ҳам фаолият юритаётгани, қолаверса, аҳоли бандлиги ҳам катта ҳисса қўшаётгани аниқ кўринаётган.

риш органлари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган тегишли ваколатлар ҳудудлари иқтисодий ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Инчунин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бугунги кунда республика бўйича 5942 та фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Масоҳат марказларининг» ҳам алоҳида ўрни бор. Марказлар маҳаллалар ҳудудда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича самарали иш олиб бормоқда. Фуқаролар йиғинлари нафақат шаҳарларда, балки оиласи қишлоқларда, энг чекка овулларда ҳам фаолият юритаётгани, қолаверса, аҳоли бандлиги ҳам катта ҳисса қўшаётгани аниқ кўринаётган.

этидилар. Дарҳақиқат, юртимиздаги тижорат банклари томонидан мақсадли бизнес режалар молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Бунда хотин-қизлар тадбиркорлигига алоҳида аҳамият қаратилаётгани кўллаб ишбилармон оёқларни кашф этаётди. Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қасаначилик, оилавий тадбиркорлик, хўнормандчиликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш хисобига иш ўринлари ташкил этиш учун тижорат банклари томонидан умумий миқдори 1075,2 млн. сўмга тенг кредитлар ажратилишида фуқаролар йиғинлари бош-қош бўлди. Натихада 56509 тадан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришилди. Шу билан бирга Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан ҳам аҳоли ва ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларга тегишли ускуналарни харид қилишда қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 54,5 млн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди. Юртимизда ҳукм сўраётган қўлай сармоявий муҳитга эътибор, мустаҳкам ҳуқуқий асос, кенг имкониятлар ҳам кишиларда тадбиркорлик туйғусининг кўртак отишига замин ҳозирлаётди. 2012 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни ижросига қаратилган 12547 та тадбирга маҳалла фаоллари билан Фонд мутасаддиларининг савий-ҳаракатлари билан 787560 нафар аҳоли жалб этилди. Эътиборлиси, уларнинг 474255 нафарини ёшлар ташкил этади. Тартиб-ўйинлари натижасини фуқаролар йиғинларининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган 19992 та оилавий тадбиркорлик субъектларининг фаолият бошлагани мисолида ҳам сезилиши мумкин.

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Фарзандларнинг соғломлиги юртнинг бахти, қудратидир

теъмо қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни ёйишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга оширилиши қўйд этилган.

Ешлар тарбиясида маҳалланинг ўрни ва таъбири тора юқалиб бормоқда. Айниқса, бу йўналишда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, шунингдек, ўтган йилдан бошлаб юртимиздаги барча маҳаллаларда ташкил этилган «Ота-оналар университет» фаолияти қўл келиши тайин. Обод турмуш йилида ёш авлодни боркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига кенг эътибор қаратилиб, бу борада эътирофли қадамлар қўйилгани юртимиз таълим тизимини ривожлантиришдаги муҳим ютуқлардан бири бўлди. Ортбошимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йилда мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мука ва санъат мактаблари, болалар спорт оидебтлари янгида қурилганлиги ёки реконструкция қилинганлиги, замонавий компьютер сифнолари, ўқув лабораториялари, ўстахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб ҳорижий тилларни чўқур ўргатиш йўлга қўйилганлиги фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ҳамда маданияти ютуқларини эгаллаши, етук ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари ҳар бир соҳа бўйича муаммолар ечими юзасидан аниқ тақлифлар бера олади. Чўнки улар аҳолига энг яқин ва оммавий таълим юзасидан.

ФОНД КўМАГИДА

Янги гузар эзгу ишга дебоча

Жорий йилда Тўрақўрғон туманидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий базаси янада кучайтириладиган бўлади.

Жамида БЕК «Mahalla»

Фонд ҳамда маҳаллий ҳокимлик ҳамкорлигида йиғинларда фаолият кўрсатаётган тизим ходимларига зарур қўлайликлар яратиш, шароитларни яхшилаш, шунингдек, гузарларни қўлайлирига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳақда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Маъсуда Бег-

матова шундай дейди: — Йил бошида туман ҳокимлиги билан бу борада аниқ манзилли чора-тадбирлар белгиладик. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинининг мавжуд аҳоли кайтадан ўрганиб чиқилди. Шунга асосан Фонд кўмаги ва хомиллар модади билан уларда тизим ходимлари учун зарур шарт-шароитлар яратишни, замонавий гузарлар барпо этишни мақсад қилганмиз. Январ ойининг дастлабки кунларидаёқ 12 та маҳаллага компьютер жамланмалари, 10 тасга янги мебель жиҳозлари олиб берилди. Шунингдек, 6 та йиғин биносини таъмирлаш учун маблағ ажратилди. Туман ҳокимлиги бу борадаги ишларимизни қўллаб-қувватламоқда.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

50 бош соғин сигири бор. Шу боис тадбиркор йил охирига сўт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган цех ҳам очмоқчи ва бу ниятини амалга оширишга йил бошидан астой-

дил киришди. Зеро, унинг соғай-ҳаракатлари билан маҳаллада яна 10 та иш ўрни яратилиб, аҳолининг сўт-қотиқ, пишлоқ маҳсулотларига бўлган талаби қондирилиди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Тўрақўрғон жамоли янада чирой очиб, кўн сайин ўзгариб бораётди. Яқинда «Ертела» маҳалласида тадбиркор Жавлонбек Жўраев барпо қилган янги гузар эзгу ишларга дебоча бўлди. Бу мажмуа ҳудуд кўрқига кўрқ қўшиш бораберида 5 нафар ёш ишли қилгани кўнорлидир. Айни вақтда Ж.Жўраевнинг

ҚАРОР ВА ИЖРО

Устувор вазифалар белгиланди

Жиззах вилоятида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни асосида фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ҳудудий кенгаш иш бошлади.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Бек НАЗАРПОВ «Mahalla»

Унинг дастлабки йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва

шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, янги тузилманинг таркиби ҳамда низомини тасдиқлаш масалалари муҳокама қилинди. — Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатуви ушбу кенгаш давлатимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришда изчил амалга оширилаётган тадбирларнинг мантйқий довомидир, — дейди Кенгаш масъул котиби, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Узоқбой Рискўлов. — Кенгаш йиғинлар фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига қўллаш, улар фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш юзасидан асосланган тақлифлар ҳамда таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш мақсадини қўзғалган ташкилот ҳисобланади. Кенгашнинг дастлабки йиғилишида Намунавий низомга асосан шаҳар, туман кенгашлари билан фуқаролар йиғинлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ваколатларини амалга оширишда қўллаш сингари вазифалар белгилаб олинди.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Отинойи масъулияти

Президентимиз Ислам Каримов «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисоласида: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаимиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзинимизни йўқотамиз», дея таъкидладилар.

Нигора МУНАВВАРОВА, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида давлатимиз томонидан миллий қадриятларимизга қаратилаётган эътибор туфайли муқаддас динимизнинг барча арконлари эмин-эркин адо этилмоқда. Минг йиллик урф-одатларимиз, расм-русумларимиз маҳаллаларимизда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Миллий қиёфамиз сифатида улар соф ва асл ҳолатида сақланишида, энг аввало, маҳалла фаоллари, маънавияти бой ёши улғурларимиз, дўғуй қарияларимиз ҳамда отинийларнинг ҳизматлари катта. Маҳаллодошлар бир-бирлари олдидати масъулиятни ҳис этиб яшашилари боис меҳр-оқибат зиёда бўлади. Чўнки маҳаллада амал қилинаётган тартибларга риоя этиш барча маҳаллодошлар учун бирдек зарурият, деб эътироф этилади. Зеро, тартиб бор жойда оқилоллик, барака бўлади.

реш учун диққатларини биринчи навбтада ёшлар ва аёлларга қаратадилар. Бизнинг мажбуриятимиз фарзандларнинг фикрини фаш этакидан фикр, уларнинг юзасига қарши ғоя, жаҳолатига эса маърифат билан қарши тура олишдан иборатдир. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, отинийлар фақат диний маросимларда иштирок этадиган, насихату маърузалар қиладиган инсонлар, деб тушунилиши нотўғри. Отинийларнинг ўзлари ҳам бундай фикрда бўлмастларки лозим. Бугунги отиний диний билимлар билан бир қаторда, юртимиздаги тараққиёт, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жамиятимиз маънавий, диний ҳаётда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан ҳам бохабар бўлиши, дунёнинг турли бурча-қисмларида халқларнинг зарар ва талафот қўришларига собоб бўлаётган низолар, миллий ёки диний асосдаги келишмовчиликларга ҳолис боҳо бериб, ҳулоса чиқара билиши керак. Отинийларнинг атрофидати аёлларга таъсири ҳақида сўз борар экан, аввало, уларнинг маҳалла-қўйда тутган мактеби, фуқаролар орасидаги обрў-эътибори ҳам аҳамиятли. Зеро, ҳурмат-эътиборга сазовор диний-маърифий ҳодимнинг сўзи таъсирчандир. Бугунги кунда «оммавий маданият» тобора авж олаётган бир

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Мақсад бир, гоя бир, Ватан ягона

< [1]

Ушбу байналмилал маҳаллада бешта миллат ва элат вакиллари...



Уза сурати.

оро тотовлик, ободлик, ҳамжиҳатлик, аввало, маҳалладан бошланади...

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида узонки кўзбалоқ олиб борилаётган кенг қўламли

да аҳолига, айниқса, ёшларга бу борада кенг тушунчалар берилмоқда.

Маҳалладаги мавжуд миллат вакиллари...

Баргикинглик тамойиллари асосида маҳаллада мустақкам қарор топган дўстона муҳит ҳар қанча фахр-ифтихорга эришиди.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Ҳамжиҳатлик бор жойда иш унумли бўлади

< [1]

Раҳиммахон Эшматов аёллар ва болалар лисобларини ишлаб чиқарувчи цех очди.

Лазизхон Урмонов эса қандадлат маҳсулотлари тайёрлашни бошлади.

Ийнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича...

«Марилон дарвозаси»да фаолият олиб бораётган ишбилармонлар ҳақида...

Ҳамжиҳатлик бор жойда иш унумли, ривожланиш барқарор бўлади.



Уза сурати.

касб этади. Уларнинг сый-ҳарақати ва амалий кўмаги билан Сарвиноз Мингбоева ва Юлдузхон Усмонова 6 миллион сўм...

Ҳамжиҳатлик бор жойда иш унумли, ривожланиш барқарор бўлади.

хос амалий тажриба тўпланаётгани ва маҳаллада саннат тармоқларини кенгайтириш имконини берароётири.

Соғлом бола йили муносабати билан маҳалла ҳудудидида 8 та кўп қаватли уй ва унинг атрофини янада ободонлаштириш.

АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Элим деб, юртим деб яшар эр йигит

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан...



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Забинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Дарҳақиқат, ёш авлодни маънавий етук ва баркамол инсон этиб тарбиялашда маҳалла, таълим муассасаси ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилатган тарбият тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган «Уткир» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 236-сон умумтаълим мактаби ҳамкорлигида «Навқирон юрт ўғлонлари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар ўқувчиларга Ватан ҳимояси нақадар шарафли, шу билан бирга машаққатли касблиги, онаюрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳар бир фуқаро бирдек масъул эканини эътироф этишди.

— Бугунги тадбирда ҳарбийлик либосини кийиб, ўзини шу касб эгаси сифатида тасаввур қила олган, кўзларида иштиёқ ва ҳўшқинлик акс этган ёшлар...

КўРИК-ТАНЛОВ

Муносиблар сараланди

Самарқанд шаҳрида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Фароғат ШОКИРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси.

Танлов низоми талабларида милиция таянч пункти яқинида спорт майдончалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун турли мажмуалар ва тўғроқлар, тикув-бичув цехларини ташкил этишга ҳам эътибор қаратилган.

Комиссия аъзолари томонидан вилоятдаги барча шаҳор ва туманлардаги милиция таянч пункти атрофида ўрганилиб, фаолият жараёнлари аниқ ва тизимли ташкил этилгани, замонавий технологиялар билан тўла таъминлангани аниқланди.

Кўрик-танловда Булунғур тумани «Нурли йўл» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 381-сонли милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди.



ларнинг кескин қамайишига эришган ушбу ғолибларга диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридидаги пул мукофоти тапширилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлими иштирокида ташкил қилинган танловда «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Баркамол авлод етакчиси», «Энг обод ва осуда маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла раисини», «Мазрифатпарвар маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси», «Энг фаол касба уюшмаси етакчиси» номинациялари буйича вилоят ғолиблари ҳам аниқланиб, уларга диплом ва ким-матбаҳо совғалар тапширилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Имтиёзли кредитлар тадбиркорлар сафини кенгайтирмоқда

Кичик бизнес — иқтисодийнинг энг ҳаракатчан, самарадор бўғини. Уни ривожлантириш мамлакат иштиқболини белгилайди.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Банкнинг Қўрай тумани филиалида айни пайтда 390 та ҳўжжалик юртувчи субъектга хизмат кўрсатилляпти.

Юртбошимиз аёллар турмуш шартини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқени мустақкамлаш, хусусан, аёл тадбиркорлар сафини кенгайтириш ҳақида доимо таъкидлаб келдилар.

тижорат банкининг Қўрай филиалига 150,0 миллион сўм миқдоридида кредит сўраб, ариза билан мурожаат қилдик, — дейди у. — Қўрай фуқаролари мурожаатимиз қаноатлантирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озёк-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида» қарорига асосан озёк-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 82 та кичик бизнес субъектига 1500,4 миллион сўм миқдоридида кредит ажратилди.

— «Piskent parranda» масъуляти чекланган жамиятининг асосий фаолияти паррандочилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат, — дейди қорхона раҳбари Алишер Каттахўжоев. — 2013 йил...



нинг январидида чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» очёк акциядорлик тижорат банкининг Қўрай филиали томонидан ажратилган 210,0 миллион сўм миқдоридида кредит маблағига, аввало, бино ва иншоотларни капитал таъмирлодик.

Банкнинг доимий мижози «Vayto'rg'on — Tashmuhamedov Turg'on» фермер ҳўжалиги ҳам ишончли ва барқарор ҳамкорлик мақсади тўғайли фаолият қўламини кенгайтиришга эришди.

Қўрай тумани Байтўғрон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида жойлашган ҳўжаликка балик етиштириш, балиқ човқорлиги ва озуқа сотиб олиш учун «Савдогар» очёк акциядорлик тижорат банкининг Қўрай филиали томонидан 8,0 миллион сўм миқдоридида кредит маблағи ажратилди.

Банк фаолиятида Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозёк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасидида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

лари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 3 та кичик бизнес субъектига 978,5 миллион сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, Обод турмуш йилида банк томонидан бошқа тармоқларнинг ҳам молиявий қўллаб-қувватлангани аҳоли турмуши фаровонлигида хизмат қилаётёр.

Ташкил шожизки, озёк-овқат маҳсулотларига эътиё доим юқори. Бунда қорвачилик соҳасини ривожлантириш қўллаб муаммолар ечилишига омилиди.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодининг таянч устунларидан. Шу боис банк томонидан ажратилган 1426,5 миллион сўм ўсраятиди. Қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олишга 670,0 миллион сўм йўналтирилгани эса, иш унумдорлиги, ҳосилдорликнинг орттишига кўмаклашиши тайин.

Аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш оилалардаги фаровонлик, турмуш маданиятининг юксалтириш омилиданди.

Ипотека кредитлари учун ажратилган 305,0 миллион сўм эса, уй-жой муаммоларини ҳал этишга, замонавий тураржойларга бўлган талабнинг қондирилишига ёрдам берди.

Соғлом фарзанд ҳақида гап кетганда, албатта, унинг таълим-тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодининг таянч устунларидан. Шу боис банк томонидан ажратилган 1426,5 миллион сўм ўсраятиди.

Сизни қизиқтирган савол: Уй-жой эгаси бўлмаса... Савол: Кўп қаватли уйда яшаймиз. Тепа қаватда ҳеч ким турмайди. Яқинда ваннахонамиздан чакка ўтишни бошлади. Мутахассис чақиртирсак, бу юқори қаватдаги қувурлар билан боғлиқлигини таъкидлади. Айтинг-чи, ушбу ҳолатда муаммони бартараф этиш учун қандай йўл тутиш лозим? Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексидида мустақкамлаштириш, агар авария ҳолатидидаги квартиранинг мулкдори бўлмаса, унга кириш ички ишлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида тегишли таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотлари томонидан амалга оширилиди. И.ДАМИНОВ, ҳўқуқшунос.